



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOғLIҚNI SAҚLASH VAZIRINING**  
**БУЙРУҒИ**

**Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ буюраман:

1. Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган шахслар ишлаши ман этилган касбий фаолият турларини тасдиқлаш тўғрисида” 2014 йил 23 апрелдаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 2581, 2014 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 219-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.  
2024 йил 10 январь,  
1-сон



**Xudayarov A. A.**

Келишилди:

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**

Тошкент ш.  
2023 йил 19 декабрь,

**Vazir**

Тошкент ш.  
2023 йил 28 декабрь,



**Рафиков К.М.**



**Musayev B. A.**

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
10 январдаги 1-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган шахслар  
ишлаши ман этилган касбий фаолият турлари  
РЎЙХАТИ**

1. Одам қони ва (ёки) унинг таркибий қисмларини тайёрлаш, қайта ишлов бериш ҳамда гемотрансфузия билан боғлиқ касблар.
2. Барча турдаги жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ касблар.
3. Туғруқ билан боғлиқ касблар.
4. Қуйидаги тиббий муолажалар билан боғлиқ касблар:  
диализ;  
венесекция;  
катетеризация.